

Рўза барча шариатларда фарз бўлган



16:55 / 27.05.2017 5277

Аллоҳ таоло Ўзининг Китобида айтганидек, рўза уммати Муҳаммадияга аввал ўтган умматлардан ўрнак ўлароқ фарз қилинган. Оятдаги «**сиздан аввалгиларга фарз қилинганидек**» деган ташбеҳ (ўхшатиш) рўзанинг уларга фарз қилинган вақти ва миқдорига оиддир.

Шаъбий, Қатода роҳимаҳумаллоҳ ва бошқаларнинг айтишича, Аллоҳ таоло Мусо ва Ийсо алайҳимассаломларнинг қавмларига ҳам Рамазон рўзасини фарз қилган, аммо улар уни ўзгартириб юборишган. Уларнинг аҳборлари (диний олимлари) рўзага ўн кун қўшиб олишган. Кейин эса айрим аҳборлари касал бўлиб қолиб, агар Аллоҳ шифо берса, рўзаларига яна ўн кун қўшишни назр қилишди, шундай ҳам бўлди. Шундай қилиб насороларнинг рўзаси 50 кунга айланиб қолган. Иссиқда рўза тутиш қийин деб, уни баҳор фаслига кўчириб олишди. Бу гап Наҳҳос роҳимаҳуллоҳ

Дағфал ибн Ҳанзаладан ривоят қилган ҳадис билан қўллаб-қувватланади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Насороларга бир ой рўза фарз қилинган эди. Улардан айримлари касал бўлиб қолиб, агар Аллоҳ шифо берса, ўн кун қўшамиз, дейишди. Кейин бошқа бири гўшт еб, оғзи оғриб қолиб, яна етти кун қўшамиз, деди. Кейин бошқа бир подшоҳ ҳукмронлигида мана шу етти кунни ҳам (ўн кун қилиб) тўлдирамиз, рўзамизни эса баҳорга кўчирамиз, дейишди. Шундай қилиб эллик кун бўлиб қолди».**

Айрим уламолар «Оятдаги ташбеҳ рўзанинг қандайлигига, яъни таом, ичимлик ва жимоъдан тийилишга тааллуқли», дейишган. Аввалги қавмларга фарз қилинган рўзанинг шартларига кўра ифтор пайти бўлганда ухлаб қолган одам то кейинги кечагача бу ишларни қилиши мумкин эмас эди. Ислонинг бошида ҳам рўза шундай бўлган, кейин насх* қилинган.

* *Насх* – шаръий ҳукми кейин келган шаръий далил билан бекор қилишдир.

Имом Абу Довуд Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан «Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди» ояти ҳақида шундай ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида хуфтонни ўқигандан кейин (ухлаб қолишса) одамларга таом, ичимлик ва аёллар ҳаром бўлар, бундай одам кейинги кечагача рўза тутиши керак бўлар эди. Бир куни бир киши нафсига хиёнат (зулм) қилиб қўйди: хуфтонни ўқиб бўлгач, ифтор қилмай туриб, хотинига яқинлик қилиб қўйди. Шундан сўнг Аллоҳ азза ва жалла бу ҳукми қолганларга осон, рухсатли ва манфаатли қилишни ирода қилди (туни билан еб-ичиш ва жимоъ ҳалол бўлди). Ул пок Зот: **«Аллоҳ ўзингизга хиёнат қилаётганингизни билди. Тавбангизни қабул қилди ва сизларни афв этди...»** деган оят нозил қилди (*Бақара сураси 187-оят*). Мана шу Аллоҳнинг рўзани одамлар учун манфаатли, рухсатли ва осон қилгани эди».

Имом Бухорий, Муслим ва Абу Довудлар Бародан ривоят қилишади (лафз Абу Довудники):

«(Ислонинг дастлабки пайтида кун ботгандан кейин) бир одам ифтор қилмай, ухлаб қолса, кейинги кечагача таом емас эди. Сирма ибн Қайс Ансорий рўзадор эди. (Ифтор пайтида) хотинининг олдига келиб, «(Егани)

бирор нарса борми?» деди. Хотини: «Йўқ. Лекин ҳозир бориб, бирор егулик олиб келаман» деб, чиқиб кетди. Унинг эса кўзи илиниб, ухлаб қолди. Хотини қайтиб келиб, (эрининг оч қоринга ухлаб қолганини кўриб) «Шўринг қурсин», деди. Сирма кундузи ўзининг ерида ишлар эди, эртасига кун яримламасданоқ ҳушидан кетиб йиқилди. Буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтишди. Шунда ушбу оят нозил бўлди, у зот: «Сизларга рўза кечасида аёлларингизга яқинлик қилиш ҳалол қилинди...» дан **«Тонг пайтида сизга оқ ип қора ипдан ойдинлашгунча еб-ичаверинглар»**гача қироат қилдилар» (*Бақара сураси, 187-оят*).

Рўзанинг фазилатларидан бири шуки, у уйланишга моддий имкони йўқлар учун шаҳватни сусайтириб, уларни зино қилиб қўйишдан ҳимоялайди.

Имом Бухорий Алқамадан ривоят қилади:

«Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу билан кетаётган эдим, у шундай деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик, у зот: **«Кимнинг уйланишга имкони бўлса, улансин. Зеро, бу (никоҳ) кўзни тиювчи роқ ва фаржни сақловчи роқдир. Ким қодир бўлмаса, рўза тутсин, мана шу унинг учун ахталанишдек»**, дедилар».

Рўзанинг яна бир фазилати шуки, унда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламинг суннатларига эргашган ҳолда юртларда саховат кенг ёйилади, садақалар кўпаяди.

Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам яхшиликда инсонларнинг энг сахийси эдилар. Саховатларининг авжи Рамазонда, Жаброил у зот билан учрашган кезлари бўлар эди. Жаброил алайҳиссалом Рамазон чиқиб кетгунича ҳар кеча у зот билан учрашар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан Қуръонни ўтказиб олар эдилар. Жаброил алайҳиссалом у зот билан учрашганда эсан шамолдан ҳам саховатли бўлиб кетар эдилар».

*Таржимон **Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф***